

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАРИМОВ ФАРХОД ЭРКИНОВИЧ**

**ЯҚИН ШАРҚ ДАВЛАТЛАРИДАГИ ЭТНОСИЁСИЙ  
ЖАРАЁНЛАРДА КУРД ОМИЛИ**

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021 йил**

**Сиёсий фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) политических наук  
Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)  
on political sciences**

**Каримов Фарход Эркинович**

Яқин Шарқ давлатларидаги этносиёсий жараёнларда курд омили ..... 3

**Каримов Фарход Эркинович**

Курдский фактор в этнополитических процессах государств Ближнего Востока ..... 25

**Karimov Farkhod Erkinovich**

Kurdish factor in the ethnopolitical processes of the Middle East countries ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications ..... 51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАРИМОВ ФАРХОД ЭРКИНОВИЧ**

**ЯҚИН ШАРҚ ДАВЛАТЛАРИДАГИ ЭТНОСИЁСИЙ  
ЖАРАЁНЛАРДА КУРД ОМИЛИ**

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021 йил**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Ss41 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Ўзбекистон Миллий университети веб-саҳифаси (www.nuu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Саидолимов Саидхон Талъат ўғли  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Муҳаммадсиддиқов Муҳаммадолим  
Муҳаммадтрошиқ ўғли  
сиёсий фанлар доктори, доцент

Гафуров Сарваржон Мирзарасулович  
сиёсий фанлар доктори, профессор

Сайфуллаев Дурбек Бахтиёрвич  
тарих фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат Бошқарув Академияси

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «04» 14.00 соат даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Университет-4 кўчаси. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24; E-mail: info@nuu.uz

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Университет-4 кўчаси, Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, E-mail: info@nuu.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «19» 04 кун тарқатилди.  
(2021 йил «19» 04 даги 67 - рақамли реестр баённомаси)



**Ш.И.Пахрутдинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор.

**К.М. Мирзаахмедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, с.ф.д. (PhD).

**А.Г.Муминов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, с.ф.д., профессор.

## КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI асрнинг бошларида жаҳонда юз берган сиёсий, иқтисодий-молиявий, ғоявий-мафкуравий ўзгаришлар халқаро муносабатларнинг жиддий трансформациясига олиб келди ва ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсирини кўрсатди. Глобаллашув шароитида дунёнинг бир минтақасида содир бўлаётган турли сиёсий қарама-қаршиликлар, молиявий-иқтисодий инқироз ва қуролли тўқнашувлар бошқа ҳудудларга жуда тез тарқалиб миллий, этник, диний, ҳудудий, сиёсий аҳамият касб этган муаммолар сонининг ортишига, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларнинг кучайишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда дунёда ижтимоий-сиёсий фанлар доирасида миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш, миллий-этник ва диний зиддиятлар, уларнинг келиб чиқиш сабаб ва омилларини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларнинг объекти сифатида дунёнинг энг беқарор бўлган Яқин Шарқ минтақаси, сиёсий, диний-этник зиддиятлар ва ҳал этилиши ўта мураккаб бўлган қурдлар муаммоси алоҳида эътибор билан ўрганилмоқда. Илмий изланишларда минтақадаги этносиёсий муносабатларда қурдлар сиёсий фаоллигининг илмий муаммо сифатида тадқиқ этилиши уни бартараф этиш механизмларини шакллантиришда муҳим илмий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш тараққиётнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Яқин Шарқ давлатлари билан халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш, Ислом динини дунёда нотўғри талқин этишга йўл қўймаслик, Афғонистон ва Яқин Шарқдаги этник-диний можароларни тинч йўл билан ҳал этиш каби долзарб масалалар юзасидан халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қилмоқда. Зеро, “Бугун терроризм ва экстремизмга қарши курашишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, тобора авж олаётган қарама-қаршиликларни бартараф этиш, тинчлик ва барқарорликка таҳдид солаётган хавфларга қарши биргаликда курашиш муҳим аҳамият касб этмоқда”<sup>1</sup>. Сўнгги йилларда мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар ва чет мамлакатлар билан дўстона алоқаларни янада ривожлантириш, республикаимизда истиқомат қилувчи турли миллат ва элат вакилларининг тили, дини, маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш ва ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга ошириш “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси”да алоҳида устувор йўналиш сифатида белгилангани ҳам ушбу масаланинг долзарб аҳамият касб этишини тасдиқлайди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи // <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-sha-18-10-2016>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони билан тасдиқланган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси”нинг V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлари ва 2019 йил 15 ноябрдаги ПФ-5876-сон “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони ҳамда соҳага тегишли бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.**

Этник муаммолар доирасида АҚШ ва Б.Британиянинг Harvard University, Princeton University, Oxford University, Cambridge University, Cornell, Yale ва бошқа кўплаб нуфузли университетлари ҳамда The American Political Science Review, American Economic Review, American Journal of Sociology, Ethnic and Racial Studies журналларида этник муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари, ривожланиш тенденциялари, бартараф

---

<sup>1</sup> Toft Monica D., *The Geography of Ethnic Violence: Identity, Interests, and the Indivisibility of Territory* Princeton: Princeton University Press, 2003; Chandra K. (ed.) *Constructivist Theories of Ethnic Conflict*. Oxford: Oxford University Press, 2012; Eriksen T. H., *Ethnicity and Nationalism: Anthropological Perspectives*. London: Pluto Press. Second edit. 2002; Bernard Lewis, *The Middle East: 2000 Years of History from the Rise of Christianity to the Present Day*. Weidenfeld & Nicolson, 2001; Zachary Lockman, *Contending Visions of the Middle East: The History and Politics of Orientalism*. Cambridge, New York: Cambridge University Press, 2004; Michael M. Gunter. “The Kurds Ascending”, New York: Palgrave Macmillan, 2008; Michael Eppel. *The Kurdish Emirates: Obstacles or precursors to Kurdish nationalism?* Routledge Handbook on the Kurds (ed. Michael M. Gunter). London, 2019; Kurdistan: An Invisible Nation. Edited by Stefano M. Torelli. ISPI, Milano, 2016; Sinkaya Bayram. “Kurdish Question in Iran and its Effects on Iran-Turkey Relations.” *British Journal of Middle Eastern Studies* 45, No. 5, 2018; Gareth R.V. Martin Van Bruinessen, *Kürtlük, Türklük, Alevilik-Etnik ve Dinsel Kimlik Mücadeleleri*, çev. Hakan Yurdakul. İstanbul: İletişim Yayınları, 8. Baskı, 2009; Ziya Gökalp. *Kürt Aşiretleri Hakkında Sosyolojik Tedkikler*. İstanbul, Bilgeoğuz Yayınları, 2013; İhsan Şerif Kaymaz. *Emperyalizmin “Kürt” Kartı (“Kurdish” Card of Imperialism)*. Ankara, Gazi Akademik Bakış. Cilt 1, Sayı 1, Kış 2007; Fatih Ünal. “Rusların Kürt Aşiretlerini Osmanlı Devleti’ne Karşı Kullanma Çabaları”, *Karadeniz Araştırmaları*, Cilt: 5, Sayı: 17, Bahar 2008; Иванов С.М. *Иракский Курдистан на современном этапе (1991–2011 гг.)*. – М.: ИМЭМО РАН, 2011; Тибет Абак. «Курдский Вопрос» и Россия: исторические истоки и реалии рубежа XIX – XX вв./Абак Тибет // *Российские и славянские исследования: Сб. науч. статей. Вып. 5 /Редкол.: О. А. Яновский (отв. ред.) и др. — Мн.: БГУ, 2010; Аватков В.А. Курдская проблема на турецком поле. МГИМО-Университет. М., № 2 (23) /2012 ва бошқа кўплаб хорижий манбалар ва <https://www.hrw.org>; <https://www.britannica.com>; <https://www.pewresearch.org/>; <https://www.giga-hamburg.de/en/>; <https://www.setav.org/>; <https://www.orsam.org.tr/>; <https://konda.com.tr> каби кўплаб тадқиқот марказларида этник муаммолар, Яқин Шарқдаги этник муаммолар ва курдлар муаммолари ўрганилиб борилмоқда. Илмий ишда бу ерда кўрсатилган ва кўрсатилмаган кўплаб манбалар қўлланилган ва кенг миқёсли таҳлили қилинган.*

этиш йўллари, миллий ва халқаро ҳуқуқий жиҳатлари борасида ўта муҳим илмий ва амалий тадқиқотлар олиб борилган.

Яқин Шарқ минтақасидаги ижтимоий-сиёсий (геосиёсий) жараёнларда этник муаммолар юқорида номи кўрсатилган нуфузли олий таълим даргоҳлари ва илмий журналлар билан бирга АҚШдаги The Middle East Journal, Pew Research Center, Россиянинг Яқин Шарқ институти, Москва давлат халқаро муносабатлар институти, Германиянинг GIGA Institute for Middle East Studies, Қоҳирадаги Ibn Khaldoun Center, Туркиядаги Ortadoğu Araştırmalar Merkezi (Center for Middle Eastern Studies) шунингдек, Яқин Шарқ давлатларидаги нуфузли олий ўқув юртларида минтақадаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва этник муаммоларнинг хусусиятлари, унинг тарихий, этник ва диний асослари, ички ва ташқи омили борасида чуқур ва ҳар томонлама илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Курдлар муаммоси, унинг келиб чиқиш сабаб ва омиллари, бугунги кундаги ҳолати, курдларнинг мақсади ва дуч келаётган муаммолари ҳақида юқорида қайд этилган университет ва тадқиқот марказлари билан бир қаторда АҚШдаги Tennessee Tech University ва Syracuse University, Германиянинг Frei Universität, Peace Research Institute Frankfurt (PRIF), Россиянинг Россия-Арманистон университети, Россия фанлар академиясининг Шарқшунослик институти, Италиянинг Халқаро сиёсий тадқиқотлар институти (ISPI - Istituto per gli studi di politica internazionale), Туркиянинг İstanbul Üniversitesi, KONDA ва SETA тадқиқот марказлари, Эрон, Ироқ ва Форс кўрфази Араб давлатларидаги нуфузли олий таълим муассасалари илмий изланишлар олиб боради.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Этник муаммолар ва уларнинг келиб чиқиши, ушбу муаммоларни бартараф этиш борасидаги мавжуд ёндашувларни илмий жиҳатдан ўрганган олимлар, шунингдек Яқин Шарқдаги этник ва диний-конфессионал муаммолар этник курдлар муаммосига бағишланган илмий ишларни 3 гуруҳга ажратиш мумкин:

Биринчи гуруҳ: этник муаммолар, уларнинг келиб чиқиш омиллари, турлари, этник муаммоларни ҳал қилиш борасидаги турли ёндашувлар ҳамда уларнинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар ҳисобланади. Бу борадаги муҳим илмий ишлар Geertz Clifford, Smith Anthony D., Eriksen T. H., Walker Connor, Steven Grosby, Pierre van den Berghe, Chandra K., Anderson Benedict, Phinney J., Glazer Nathan, Campbell David, Cornell S., Hartman D., Isaacs Harold R., Varshney Ashutosh, Collier Paul, Hardin R., Fabio Belafatti, Toft Monica D., Benedikter Thomas, Gurr T.R., Hong Jae Woo, Van Evera Stephen ва бошқа кўплаб олимлар томонидан олиб борилган. Уларнинг илмий ишлари ҳақида биз диссертациямизда тўхталиб ўтганмиз. Шунингдек, бу йўналишда Р.Г.Абдулатипов, А.А.Акматалиева, О.А.Золотарев, Н.В.Ломакина каби МДХ давлатлари олимлари, Б.Умаров, В.Ҳ.Қўчқаров, А.Очилдиев, Н.Назаров ва бошқа бир қатор мамлакатимиздаги мутахассисларнинг илмий ишларида миллатлараро муносабатлар, этномиллий сиёсат, ўзликни англаш, эркинлик ва тенглик ғоялари, этноижтимоий жараёнлар каби мавзулар кенг ёритилган. Этносиёсий

муаммоларнинг миллий ва минтақавий хавфсизликка таъсири, этно-ижтимоий муносабатлар барқарорлигини таъминлаш юзасидан хорижлик олимлар В.Вузан, О.Ваеве, J.de Waldi, P.Collier, М.А.Медведева, Т.Минасова, В.И.Бовш, А.А.Прохожевнинг, шунингдек, мамлакатимиз олимларидан Т.А.Жўраев, Ш.И.Пахрутдинов, А.Р.Рахманов, Р.М.Алимов, С.Т.Саидолимов, О.С.Маннопова, Р.С.Самаровларнинг тадқиқот ишлари алоҳида диққатга сазовор.

Иккинчи гуруҳ: Яқин Шарқнинг этник ўзига хослиги, сиёсий тизими ва маданияти, уларнинг этносиёсий муносабатлари, мавжуд этник ва диний-конфессионал муаммолар, мазкур ҳудуддаги геосиёсий жараёнлар моҳиятини ёритишга бағишланган илмий ишлар ҳисобланади. Бу борада энг диққатга сазовор ишлар шубҳасиз, олим Bernard Lewis томонидан амалга оширилган бўлиб, унинг Яқин Шарқ ҳақида 20 дан ортиқ асарлари чоп этилган. Шунингдек, S.E.Ibrahim, A.W.Hourani, Zachary Lockman, Timothy Mitchell, Eugene L. Rogan, Robert Harkavy, Peter Waldman, Bayram Sinkaya, M.Neper, каби олимларнинг, МДХ давлатларидан эса Е.А.Примаков, Ю.А.Балашов, А.А.Камраков, Е.С.Мелкумян, ўзбекистонлик З.И.Мунавваров, Ш.А.Ёвқочев, С.М.Ғафуров, М.М.Муҳаммадсидиқов, К.К.Шаниязов ва бошқа олимларнинг илмий ишлари муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Учинчи гуруҳ: курд этносининг келиб чиқиш тарихи, унинг диссертациямиз учун ўзига хос хусусиятлари, курд миллий ҳаракатлари, курдларнинг минтақадаги ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги ўрни, ташқи кучларнинг курдлар билан муносабатлари, курд муаммосини бартараф этиш борасидаги ёндашувлар борасидаги ишлар ҳисобланади. Бу йўналишдаги ишлар хорижда Th.Bois, V.Minorsky, D.N.Mac Kenzie, David McDowall, Martin van Bruinessen, Wadie Jwaideh, Michael Gunter, Jemal Nebez, Karen Culcasi, Michael Eppel, John Limbert, Henri Barkey, Graham Fuller, P.Olson, Bazil Nikitin, Radwan Ziadeh, Mehrdad Izady, Robin Mills, Francis O'Connor, Gareth Stansfield ва бошқаларнинг асарлари, Туркияда Ziya Gökalp, Ali Rıza Şeyh Attar, Mehmet Akbaş, İhsan Şerif Kaymaz, Bekir Biçer, Taha Özen, Hatem Ete, Ahmet Buran, Faik Bulut, Nihat Ali Özcan, Ulrike Dufner, Semahat Sevim, Abdurrahman Qasimlo, Fatih Ünal, Yılmaz A. Oktav Özden Zeynep, Fuat Aksu, Hüseyin Alptekin ва бошқаларнинг асарларини, МДХ доирасида эса М.С.Лазарев, Тибет Абак, М.В.Гладырь, М.А.Гасратян, О.И.Жигалина, Хошави Бабақр, С.М. Иванов, Н.З.Мосаки, О.Мазур каби мутахассисларнинг асарларида атрофлича ёритилган. Бу олимларнинг илмий ишлари ва муаммога нисбатан муносабатларини диссертацияда кўриш ва танишиш мумкин.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ2017092810-сон “Ҳаракатлар стратегиясини бажариш мақсадларида мамлакатимизда маънавий хавфсизликни таъминлаш масалалари” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Яқин Шарқдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда курд муаммоси, унинг келиб чиқиш сабаб ва шарт-шароитлари, унга таъсир этувчи ташқи ва ички омилларни аниқлаш, шунингдек, минтақадаги этносиёсий муаммоларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

этниқ муаммонинг келиб чиқиши, сабаблари, оқибатлари ва бу борадаги илмий ёндашувларнинг назарий-амалий жиҳатларини ёритиш;

ижтимоий-сиёсий жараёнларда этниқ муаммоларни ўрганиш борасидаги назарий-концептуал қараш ва ёндашувларни қиёсий таҳлил этиш;

давлатларнинг сиёсий барқарорлигига этносиёсий муаммоларнинг таъсирини аниқлаш;

этносиёсий муаммоларни тартибга солишнинг сиёсий механизмлари ҳамда унинг халқаро ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

Яқин Шарқ минтақасидаги кескин этносиёсий вазиятнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;

Яқин Шарқ минтақаси давлатларида этниқ курдлар муаммоси, унинг келиб чиқиш тарихи ва эволюциясини таҳлил этиш;

курдлар муаммосини ҳал қилишда ташқи сиёсий кучларнинг ўрни ва таъсири, минтақа давлатларининг бу борадаги ўзаро ҳамкорлиги, мавжуд муаммо ва ютуқларни очиб бериш;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатида минтақавий хавфсизлик масалалари, хусусан, унинг Яқин Шарқдаги этниқ муаммоларни тартибга солиш юзасидан билдирган позицияларини илмий асослашдан иборат.

**Тадқиқот объектини** Яқин Шарқ давлатларидаги этносиёсий жараёнларда курдлар омили билан боғлиқ масалалар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида эса Яқин Шарқ минтақаси ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашда этносиёсий жараёнларнинг асосий тенденциялари ҳамда бу жараёнда курд муаммосини бартараф этишнинг самарали усул ва йўллари излаш билан боғлиқ масалалар белгиланди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда турли ижтимоий-сиёсий муаммоларни таҳлил этишда кенг қўлланиладиган илмий метод ва ёндашувлардан фойдаланилган. Жумладан, методологик нуқтаи назардан тарихий таҳлил, қиёсий таҳлил ва муаммоларнинг синтез-анализи методлари қўлланилган ҳамда политология, этнология, социология, психология, этносиёсий муаммоларга оид сўнгги илмий ишлар ва расмий маълумотларнинг контент таҳлили амалга оширилган. Бунда, этнологияда миллатлар ва этниқ гуруҳларнинг таснифлашда энг кўп қўлланилган таянч тушунча ҳамда назарий ёндашувлар умумлаштирилиб, хусусий хулосалар шакллантирилган. Мазкур хулосалар ҳозирда дунёнинг турли минтақаларида кузатилаётган миллатлараро ва этниқ муаммоларнинг ивент таҳлили натижаларига кўра асосланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ижтимоий жараёнлардаги этник омил хавфсизликни таъминлаш концепцияларининг муҳим категорияси экани барқарор этносиёсий мувозанатга асосланган тараққиёт моделлари тажрибасидан келиб чиқиб асослаб берилган;

халқаро ҳуқуқ доирасида этносиёсий ҳаракатларга объектив ҳуқуқий баҳо берувчи нормативларни қарор чиқаришга асос бўлувчи процессуал моддаларни киритиш орқали такомиллаштириш зарурати Яқин Шарқдаги этник курдлар мисолида илмий асосланган;

Яқин Шарқ минтақасининг янги сиёсий маъмурий харитаси шаклланаётгани Ироқ ва Суриядаги мураккаб этносиёсий жараёнлар натижасида юзага келаётган манфаатлар блокларидаги геосиёсий бўлинишлар оқибати экани очиқ берилган;

Яқин Шарқда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича давлатларнинг ўзаро интеграциясида биринчилар қаторида курд муаммосини ҳал қилиш зарурати асосланган;

миллатлараро тотувликни таъминлаш бўйича Ўзбекистоннинг ижобий тажрибаси минтақавий хавфсизликни таъминлаш механизми сифатида қўллаш мақсадга мувофиқлигига асосланган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

этносиёсий муносабатларни тартибга солиш ва этник муаммоларни ҳал қилиш борасида қабул қилинган мавжуд халқаро ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни бугунги кун талаблари асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

Яқин Шарқдаги этносиёсий муносабатларнинг таҳлили асосида минтақа давлатларидаги этник курдлар манфаатлари мувозанатини таъминлаш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

Яқин Шарқдаги курдлар муаммосини ҳал этишда минтақавий ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган;

Курд омилининг минтақавий ва халқаро аҳамияти, унинг Яқин Шарқ сиёсий харитасига таъсири ҳамда ушбу муаммони бартараф этиш юзасидан умумий ва хусусий фикр ва қарашлар илгари сурилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Яқин Шарқ давлатларидаги этносиёсий муаммолар, жумладан, этник курдлар масаласи юзасидан халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг қабул қилган ҳуқуқий-норматив ҳужжатлари, нуфузли хорижий илмий тадқиқот марказларининг таҳлилий материаллари, мавзуни тадқиқ этувчи етук олим ва мутахассисларнинг илмий ишланмалари, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган расмий маълумотлардан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилгани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий ўқув юртларида сиёсатшунослик

асослари ва назарияси, жаҳон сиёсати ва конфликтология каби фанларни ўқитишда, маъруза матнлари ҳамда ўқув ва ўқув-методик қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Яқин Шарқ минтақасини тадқиқ этишга ихтисослашган ташкилотлар, олим ва экспертлар, миллий ва минтақавий хавфсизлик, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш масалалари билан бевосита шуғулланадиган давлат ва жамоат ташкилотлари, илмий-тадқиқот марказлари фаолиятида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Яқин Шарқ давлатларидаги этносиёсий муаммоларни олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тадқиқот натижалари асосида:

жаҳондаги этносиёсий муносабатларни тартибга солиш, этник муаммоларни ҳал қилиш борасида қабул қилинган халқаро ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш зарурлиги юзасидан диссертация ишида келтирилган илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг ахборот-таҳлилий ҳужжатларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва Хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2020 йил 6 августдаги 32-сон маълумотномаси). Мазкур тадқиқот натижалари этник муаммоларни ҳал қилишнинг сиёсий-ҳуқуқий механизмлари миллий ҳамда халқаро даражада етарли даражада шаклланмагани сабабли уларни такомиллаштириш заруратининг мавжудлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган;

этносиёсий муаммоларнинг ўзига хослиги, уларнинг структуравий интеграция ва корреляцион муносабатларига оид илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва Хавфсизлик масалалари қўмитасининг ижтимоий-сиёсий жараёнларга оид таҳлилий ҳужжатларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2020 йил 6 августдаги 32-сон маълумотномаси). Мазкур илмий хулосалар асосида Яқин Шарқдаги этносиёсий муаммоларнинг ўзига хослиги, минтақадаги этник муаммоларнинг структуравий интеграция ва дифференциясини тадқиқ этишнинг индуктив ва дедуктив илмий-методологик ёндашувлари ишлаб чиқилган;

Яқин Шарқ минтақасидаги курдлар тарихи, уларнинг минтақадаги ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги ўрни ва роли юзасидан келтирилган илмий хулосалардан 8-9-синф “Жаҳон тарихи” фани дарсликлари ва фан дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2020 йил 1 июндаги 01/11-03/5-490-сон маълумотномаси). Натижада, курдлар тарихининг минтақа мамлакатларининг давлатчилик тарихи билан қиёсий равишда ўрганилиши Яқин Шарқ халқлари этногенезининг илмий асослари такомиллаштирилган;

этник ўзига хослик ва этник муаммоларнинг келиб чиқиши, уларнинг турлари ва ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсирига оид фикр-мулоҳазалар, концептуал ғоя ва хулосалардан Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги

Республика таълим маркази ва ЮНИСЕФ билан ҳамкорликдаги “Умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастурини ишлаб чиқиш” лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2020 йил 15 июлдаги 01/11-02/2-720-сон маълумотномаси). Ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг келиб чиқиш сабаб ва омилларига оид примордиал, инструментал ва институционал ёндашувларининг қиёсий таҳлили миллатларнинг ўзига хослиги бўйича ягона илмий қарашни ишлаб чиқишда муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 49 та илмий иш, шу жумладан, 2 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 22 та мақола, жумладан, 15 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр этирилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 282 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланиб, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ижтимоий-сиёсий жараёнларда этник муаммолар ва уларни бартараф этишнинг назарий-методологик жиҳатлари”**га бағишланган. Ушбу бобда этник муаммо тушунчаси ва тамойиллари, этник муаммоларни бартараф этиш бўйича мавжуд назарий қараш ва концептуал ёндашувлар, этник муаммоларни ҳал этишнинг тарихий-ҳуқуқий асослари ҳамда сиёсий механизмлари ўрганилган ва таҳлилий тадқиқ қилинган. Ушбу боб назарий-методологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, тадқиқот мавзусини чуқур ва атрофлича тушуниб етишимизга ёрдам беради.

“Этник муаммо: тушунча ва тамойиллар” номли биринчи параграфда этник муаммоларнинг тушунчаси ва уларнинг келиб чиқиши борасидаги асосий 4 та ёндашув устида таҳлилий тадқиқот олиб борилган. *Биринчи ёндашув* примордиализм (бошланғич) – этник ўзига хослик, Карлфрид Дуркхаймнинг таъбири бўйича “hard core”, ўзгармасдир ва ундан келиб чиқадиган ирқчилик, миллатчилик инсон табиатига хосдир. Шу боис, этник

муаммолар ҳам табиий ҳолатдир. Албатта, бу ёндашув ҳаддан ташқари бир томонлама ва илмий асосларга эга эмаслиги билан танқидга учрайди. *Иккинчи ёндашув* инструментализм (воситачилик)га кўра, этник биологик фарқлилик ёки эски адоватлар асосида эмас, балки сиёсий-иқтисодий манфаатлар тўқнашувида содир бўлади. Шу боис, этник зиддиятлар сиёсий элитанинг ёки маълум бир этник гуруҳнинг ҳаётий муҳим ресурсларга кўпроқ эга бўлишига хизмат қилиши мумкин. *Учинчи ёндашув* конструктивизм ғояси бўлиб, унга кўра этник ўзига хослик бу турли шарт-шароит ва жараёнлар таъсирида доимий ўзгарувчан ва бошқарилишга мойил ҳодисадир. Бундан келиб чиқиб, этник муаммолар ҳам тарихий ва ижтимоий-сиёсий (мустамлакачилик, миграция ва бошқалар) жараёнлар маҳсулидир. Масалан, Яқин Шарқдаги қурдлар муаммоси, Ҳиндистон-Покистон ўртасидаги Кашмир муаммоси, Озарбайжон ва Арманистон ўртасидаги Тоғли Қорабоғ можароси, Грузиядаги Жанубий Осетия ва Абхазия, бугунги Украинадаги Донбасс, Қирғизистон жанубидаги этник муаммоларни тарихий жараёнлар маҳсули сифатида келиб чиққани ва сиёсийлашганини кўришимиз мумкин. *Тўртинчи ёндашув* институтционализм бўлиб, унга кўра этник зиддиятларнинг келиб чиқиши жамиятдаги мавжуд институтларнинг кучли ва кучсизлигига боғлиқ. Хусусан, қайси жамиятда қонун устуворлиги, ресурслардан тенг ва оқилона фойдаланиш имконияти, барча халқ вакилларининг қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятларини ифода эта оладиган демократик институтлар мавжуд бўлса, шу давлатда барқарор муҳит ҳукм суради.

Этник муаммоларни бартараф этиш бўйича назарий қараш ва концептуал ёндашувлар бобнинг иккинчи параграфида атрофлича таҳлил қилинган бўлиб, унда mono-ethnic, multi-ethnic, non-ethnic (бирор бир этник гуруҳларга асосланмаган) давлатларда ёки гомоген ва гетероген жамиятларда этник муаммоларни бартараф этиш масалалари очиб берилган. Бу борада, биринчи навбатда, этник муаммо билан сепаратистик ҳаракатлар ўртасида боғлиқлик ва қарама-қаршилик ҳақида фикр юритилган. Бунинг муаммоли тарафи шундаки, бир нечта давлатларда этник (сепаратистик) ҳаракатлар террор ташкилотлари сифатида қабул қилинса, баъзи давлатлар этник мансубликка асосланган ҳаракатларни террор ташкилоти деб қарамайди. Масалан, Испания баскларнинг Баск юрти ва эркинлиги (ЕТА) ташкилотини, Буюк Британия ирландларнинг Ирландия республика армияси (IRA) ташкилотини, Туркияда Курд ишчи партияси (РКК) ташкилотини, Шри-Ланка тамилларнинг Тамил Қоплонлари ташкилотини, Исроил фаластинликларнинг Хизбаллох ташкилотини сепаратистик, бузғунчи террор ташкилотлари сифатида кўради. Лекин юқорида айтиб ўтилган ташкилотларга барча давлатлар ҳам террор ёки сепаратистик ташкилотлар сифатида қарамайди. Бу ердаги муаммо қайси ҳолатда этник атрибутларга асосланган ҳаракатлар сепаратистик ёки террор ташкилоти деб қабул қилиниши ва қанча давлат тарафидан эътироф этилиши илмий жиҳатдан ҳам, ҳуқуқий жиҳатдан ҳам мукамал ишлаб чиқилмаганини кўришимиз мумкин. Мавжуд илмий ёндашувлар бир-бирини инкор қилмоқда. Шунингдек, ушбу

параграфда юқорида кўриб чиққанамиз примордиал, инструментал, конструктив ва институтционал ёндашувлар доирасида этник муаммоларни бартараф этиш масаласига ҳам атрофлича тўхталиб ўтилган. Чунки, ушбу ёндашувлар этник муаммоларнинг келиб чиқиши билан бирга, уни ечими борасида ҳам ўз таклиф-тамойилларини таклиф этган.

“Этник муаммоларни ҳал этишнинг тарихий-ҳуқуқий асослари ҳамда сиёсий механизмлари” номли учинчи параграфда тарихий жиҳатдан этник муаммоларнинг кўлами, турлари ва шаклланиши баъзи этник муаммолар мисолида очиб берилган. XX асрни миллий давлатлар ёки лингвистик давлатлар ташкил топган аср десак, муболаға бўлмайди. Аммо, замонавий даврда этник бўлиниш, этник можаролар кўплаб давлатларни ташвишга солаётган бўлиб, ушбу муаммоларни ҳал қилиш ва уларнинг устидан назорат ўрнатиш сиёсий муҳандисликнинг муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда. Халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан “Геноцид жиноятларини олдини олиш ва бу учун жазолаш тўғрисида”ги конвенция (1948 й.), “Барча кўринишдаги ирқий камситишларни йўқ қилиш ҳақида”ги халқаро конвенция (1965 й.), “Сиёсий ва фуқаровий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт (1966 й.), “Аёлларга нисбатан барча турдаги камситишларни йўқ қилиш тўғрисида”ги конвенция (1979 й.) ва унга Факультатив протокол (1999 й.), ЮНЕСКОнинг 1960 йилда қабул қилинган “Таълим соҳасидаги камситишларга қарши конвенция”, Европа Кенгашининг “Миллий озчиликни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги битими (1994 й.), БМТнинг “Миллий ёки этник, дини ва тили бўйича озчиликка тегишли шахс ҳуқуқлари тўғрисида”ги декларация (1992 й.), “Туб халқлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги декларация (2007 й.) ва бошқа бир қатор конвенция ва битимлар қабул қилинган бўлса-да, этник муаммолар кўп жойларда ўз ечимини топмаяпти. Бунинг бир қанча сабаблари мавжуд. Биринчидан, этник муаммонинг ҳуқуқий таърифи мавжуд эмас. Юқорида ҳам айтиб ўтганимиздек, қайси ҳолатда этник муаммо, қайси ҳолатда сепаратистик ёки террор ҳаракати сифатида тан олинishi аниқ белгиланмаган. Масалан, Хитой уйғурларга қарши, Мьянма роҳинжа мусулмонларига қарши ҳарбий-сиёсий ҳаракатларини сепаратизм ва терроризмга қарши кураш сифатида изоҳлаётган бўлса, АҚШ бошчилигидаги кўплаб давлатлар буни этник озчиликка қарши босим, унинг ҳақ ҳуқуқларини бузиш, этник тозалаш ёки геноцид сифатида баҳоламоқда. Иккинчидан, self determination (ўз тақдирини ўзи белгилаш) ҳуқуқининг давлат суверенитети ва яхлитлиги ҳуқуқлари ва принциплари ўртасида қарама-қаршилиқнинг мавжудлиги. Масалан, Эфиопиядан Эритреянинг (1993 йил 24 май), Индонезиядан Шарқий Тиморнинг (2002 йил 20 май) мустақил бўлиб ажралиб чиқиши, Украина таркибида бўлган Қрим автоном республикасининг Россия (2014 йил 18 март) таркибига қўшиб олинishi бу борадаги муаммоларнинг кўплигини ва этник масаланинг ўта долзарб эканини кўрсатмоқда.

Диссертациянинг **“Яқин Шарқ минтақасидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва этник муаммолар”** деб номланган иккинчи бобида Яқин Шарқ минтақаси давлатларидаги этносиёсий муаммолар ва уларнинг ўзига

хос хусусиятлари, минтақада этник курдлар муаммоси, унинг келиб чиқиш тарихи ва эволюцияси, минтақа давлатларидаги (Туркия, Ироқ, Сурия ва Эрон) курд этник озчиликларининг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири атрофлича таҳлил қилинган ва тадқиқ этилган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфида минтақа давлатларидаги этносиёсий муаммолар ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган. Холистик нуқтаи назардан этносиёсий муаммолар этник ва миллатлараро, диний ва конфессионал можаролар, идеологик ва лидерлик учун кураш, ер, сув, ҳокимият ва бошқа ресурслар учун келиб чиқадиган зиддиятлар кўринишида намоён бўлади. Яқин Шарқ минтақасида “янги” давлатларнинг юзага келиш жараёнида улар ўртасида ҳудудларни этник ареалларга мос келмаган равишда (Сайкс-Пико шартномаси асосида) бўлиб олиниши натижасида минтақа аҳолисининг бир нечта давлат чегараларида этник кўпчилик ва озчилик таркибида шаклланишига олиб келди. Минтақада жуда кўп давлатлар титул бир миллат ёки лингвистик омиллар асосида ташкил этилмаганди.<sup>1</sup> Шунингдек, анъанавий диний-сиёсий авторитар бошқарув ҳамда конфессионал бўлиниш минтақада 100 йилдан буён этносиёсий муаммоларнинг асосий сабаблари сифатида илмий асосланди.

Араб дунёсидаги этник хилма-хиллик ўтган асрнинг охирида кўйидаги кўринишда ўз аксини топади:<sup>2</sup>

Этник бўлиниш	Аҳолиси (миллион)	Фоизлар қийматида	Жойлашилган давлат
1. Кўпчилик араб тилида сўзловчи мусулмонлар (сунний)	190.0	80.0	Барча араб мамлакатларида;
2. Лингвистик/маданий озчиликлар (араб бўлмаган)	32.3	13.7	Марокаш, Судан, Жазоир, Ироқ, Сурия;
3. Диний озчиликлар (мусулмон бўлмаган)	17.9	7.6	Судан, Миср, Ливан, Фаластин;
4. Ислом озчиликлари (сунний бўлмаган)	20.8	8.8	Ироқ, Ливан, Сурия, Бахрайн, Яман.
5. Этник озчиликлар (семит / хамитик (hamitic) / кавказ гуруҳларига оид бўлмаган)	8.7	3.7	Судан

Бобнинг иккинчи параграфида Яқин Шарқ минтақасида этник курдлар муаммосининг келиб чиқиш тарихи ва эволюцияси тадқиқ қилинган. Бу моҳиятан илмий ишнинг мағзини ташкил этади. Курдларнинг келиб чиқиши узок тарихга бориб тақалади. Эрон тиллари гуруҳига оид тилда гаплашувчи курдлар қадимдан Загрос тоғларида яшаб келган. Курдларнинг қабила конфедерацияси шаклида яшаши, уларнинг ягона кучли бир давлат куришга

<sup>1</sup> Масалан, Ўрта Осиё мамлакатлари билан солиштирадиган бўлсак, ҳудудий чегаралашда жуда чалқаш ва сунъийликка йўл қўйилган бўлсада, Ўрта Осиёдаги хонликлар ўрнига пайдо бўлган давлатлар маълум бир титул миллат устунлигида (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон каби) шакллантирилди. Аммо, Яқин Шарқда бундай бўлмади. Туркия ва кейинчалик пайдо бўлган Исроилдан бошқа Яқин Шарқ давлатлари номи титул бир миллат номидан келиб чиқмайди. Хусусан, Сурия қадимда яшаган оссурлар номидан келиб чиқади. Ироқ ҳам Басра кўрфази ёнидаги бир жой номи. Миср, Иордан, Фаластин, Ливан номлари ҳам арабларга алоқадор бўлмаган эски бир номлардир. Араб яриморлидаги давлатларнинг кўпчилиги масалан, Саудия Арабистони Ал-Сауд оиласининг исмидан келиб чиқади. Бахрайн номи арабчада “икки дарё” номидан келиб чиқади. Эрон эса “аряний” (орий) сўзидан келиб чиқади. Покистон ҳам форсчадан “пок ер” маъносини бериб, худди Эрон каби бирор бир титул миллатни акс эттирмайди.

<sup>2</sup> Манба: Saad Eddin Ibrahim Sects, Ethnicity, and Minority Groups in the Arab World (Араб тилида), Cairo, Ibn Khaldoun Center, 1994. – P. 86.

тўсқинлик қилган ва ҳар доим ташқи кучларнинг таъсирида қолган. Тоғли ерларда яшагани сабаб улар бошқа халқлар билан ассимиляцияга сустр киришган. Бу ҳолат курдларнинг ўз тили ва анъаналарини сақлаб қолишига, душманга қарши гоҳ-гоҳ қўзғолонлар уюштиришларига ва қисман бўлса-да, мустакил яшашларига имкон яратган. Аммо, курдларнинг миллий асосга эга бўлган исёнлари, сепаратистик ҳаракатлари 1850 йиллардан бошланган мустамлакачи давлатларнинг сиёсати натижасида ўртага чиққан. Айни шу даврдан минтақада курд-турк, курд-арман, араб-турк, араб-курд ва арман-турк, форс-курд, форс-араб ва кейинчалик араб-исроил ва бошқа шу каби этник ва диний-конфессионал можароларнинг ривожланиши бошланади. Сабаби, мустамлакачи давлатлар ўз манфаат ва мақсадлари йўлида мавжуд ҳокимиятга қарши турли этник ва диний гуруҳларни қўллаб-қувватлаб, уларни бир-бирига қарши қўйганди. Биринчи жаҳон урушидан кейин Севр ва Лозанна шартномалари асосида Яқин Шарқнинг сиёсий харитаси юзага келди. Афсуски, бу жараёнда курдларнинг миллий давлатчилиги эътиборга олинмади. Курдлар истиқомат қиладиган ҳудуд тўрт давлатга бўлиниб кетди.

1-расм. (Севр)<sup>1</sup>



2-расм. (Лозанна)<sup>2</sup>



Иккинчи бобнинг учинчи параграфида минтақанинг Туркия, Ироқ, Сурия ва Эрон давлатларидаги курд этник озчилигининг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири очиб берилган. Умуман олганда, илмий адабиётларда курдларнинг сони 30-40 миллион атрофида экани борасида турли тахминий рақамлар келтирилади. Курдларнинг 65 фоизи, тахминан, 20 миллиони Туркияда яшайди. Қолаверса, улар Ироқда 5 миллион, Эронда 6-8 миллион, Сурияда 2-2,5 миллион ва бошқа ерларда 2-3 миллионни ташкил этиб, дунёдаги ўз суверен давлатига эга бўлмаган энг катта миллий жамоа саналади. Курдларнинг минтақада катта этник гуруҳни ташкил этиши, табиийки, юқоридаги давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига жиддий таъсир кўрсатади. Лекин, ушбу давлатларда узоқ вақт давомида курдларнинг этник жиҳатдан мавжудлиги расман тан олинмаган. Бу курдларнинг ҳақ-ҳуқуқларини (курд тилида иш юритиш ва таълим олиш, курдча нашр чоп

<sup>1</sup> 1-расм. Усмонлилар давлати ерлари Антанта иттифоқчи давлатлар тарафидан бўлиб олиниши акс этирилган. Бу расм Севр шартномаси (1920 йил) шартлари асосида чизилган. Манба: Интернет. [https://www.google.com/search?q=sevr+haritas%C4%B1&rlz=1C1NHXL\\_ruTR730TR730&source=lnms&tbm=isch&sa=X&ved=2ahUKEwi6ltTWs8PpAhXt1uAKHVdaDMQQ\\_AUoAXoECBoQAw&biw=1366&bih=657#imgrc=O4yPv2eQA6LRAM](https://www.google.com/search?q=sevr+haritas%C4%B1&rlz=1C1NHXL_ruTR730TR730&source=lnms&tbm=isch&sa=X&ved=2ahUKEwi6ltTWs8PpAhXt1uAKHVdaDMQQ_AUoAXoECBoQAw&biw=1366&bih=657#imgrc=O4yPv2eQA6LRAM) (Сана: 20.03.2020 й.).

<sup>2</sup> 2-расм. Лозанна шартномасидан (1923 йил) кейинги замонавий Туркия харитаси. Шу ерда айтиб ўтиш керакки, Туркиянинг бугунги кундаги Хатай вилояти 1939 йил 23 июнда Туркияга қўшилади. Унгача Франция мандатидаги Сурия таркибида бўлган.

этиш ва ҳаказо) эътиборга олинмаганини кўрсатади. Натижада курдлар бир неча бор миллий сепаратистик исён ва норозиликлар уюштиради. Бу исёнлар Ироқда автоном Курд давлатининг ташкил этилишига олиб келди. Албатта, бунга улар АҚШнинг Ироққа 2003 йилдаги интервенциясидан кейингина эришдилар. Қолган давлатларда эса, курдларнинг асосий ҳақ-ҳуқуқларида дискриминация кўп учрайди. Бу эса, Туркияда 1980 йилларда Курд ишчи партиясини (КИП) ташкил топишига, кейинчалик Эрон ва Сурияда ҳам унинг филиалларини очилишига сабаб бўлди. Туркияда демократлашув жараёнининг кучайиши билан курдлар масаласи демократик принципларда ўз ечимини топа бошлаган. Эронда эса, шоҳ даврида ҳам, Ислом революциясидан (1979 йил) кейин ҳам курдларга эркинлик берилмади. Сурияда эса, бугунги кунда вазият жуда оғир. Сурия курдлари Ироқ курдлари каби автоном бошқарув ҳуқуқини талаб қилмоқда.

Диссертациянинг учинчи боби “**Этник курдлар муаммосининг геосиёсий жараёнларга таъсири ва минтақа хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалалари**”га бағишланган бўлиб, унда Яқин Шарқдаги геосиёсий жараёнлар ва улар билан боғлиқ этносиёсий муносабатлар, этник курдлар муаммоси ва уни ҳал қилишда минтақа давлатларининг ўзаро ҳамкорлиги каби масалалари атрофлича ўрганилган.

Минтақадаги геосиёсий жараёнлар жуда кенг, узоқ тарихга эга ва турлитуманлик касб этади. Минтақанинг табиий ресурсларга бойлиги, Осиёни Африка ва Европа билан боғловчи жўғрофий нуқтада жойлашгани, учта асосий динларнинг маркази экани, турли этник ва диний конфессияларнинг бир-бири билан аралашиб яшаши, демократия муаммолари ва авторитар режимларнинг мавжудлиги минтақанинг ўзига хос геосиёсий характерида далолат беради.

Яқин Шарқдаги геосиёсий жараёнларнинг қисқача даврий ва соҳавий кўриниши қуйидагича:

- ҳудудларни қўлга киритиш ёки босиб олиш (империализм даври);
- табиий ресурсларни қўлга киритиш ёки назорат қилиш;
- сиёсий режимларни ўзгартириш учун давлат тўнтариши ва ички низоларни келтириб чиқариш;
- минтақада етакчилик учун кураш;
- этник ва диний-конфессионал можаролар.

Буларнинг геосиёсий жараёнлар билан боғлиқлиги, юқоридаги барча кўринишдаги муаммоларда мутлақо ташқи кучларнинг роли ва қўли борлиги билан белгиланади. Мустамлакачилик ва ундан кейинги мустақиллик давларида минтақа давлатлари нефтга бой кичик шаҳар давлат кўринишидаги давлатлар (Қувайт, Қатар, БАА), теократик бошқарувга эга давлатлар (Саудия Арабистони ва Эрон) ва авторитар бошқарувга эга давлатлар (Ироқ, Сурия, Миср, Ливия) ҳамда заиф бошқарувга эга давлатлар (Ливан, Фаластин, Сомали) шаклида бўлиши ташқи кучларнинг геосиёсий мақсадларига жуда қўл келган. Бу ҳолатда уларни ва минтақани бошқариш осон бўлган ва бўлиб қолмоқда.

Исроил давлатининг ташкил этилиши минтақада диний ва миллий (араб

миллатчилиги) курашни, радикал кўринишдаги диний ташкилотлар фаоллашувига сабаб бўлди. Минтақада нефть ва газга бой захираларнинг топилиши, ушбу ресурсларни назорат қилишда турли зиддиятларни келиб чиқишига олиб келди. Бунга Ироқнинг Қувайтга бостириб кириши, Эрон-Ироқ уруши ва бошқаларни кўплаб мисол қилиб келтириш мумкин.

Эронда юз берган ислом инқилоби минтақада шиа-сунний можаросини кучайтириб юборган бўлса, 2011 йил Тунисда бошланган “Араб баҳори” инқилоби авторитар режимларга қарши курашни фаоллаштириб юборди. Натижада, Тунис, Жазоир ва Мисрда ҳукумат алмашди. Сурия ва Ливия қонли фуқаролар уруши гирдобда қолди. Минтақадаги зиддиятларни кучайишида этник ва диний омиллар катта аҳамият касб этди. Шулардан бири курдлар омилidir.



3-расм: Бу “Катта Яқин Шарқ” лойихаси бўлиб, тўқ яшилда минтақага кирувчи анъанавий давлатлар, очроқ яшил рангда эса МЕНА (яъни, Middle East and North Africa – Яқин Шарқ ва Шимолий Африка сўзининг бош харфлари) давлатлари, оч яшил эса минтақага алоқадор ва яқин бўлган Кавказ ва Марказий Осиё давлатлари.

Ўзининг геосиёсий мақсадларида илк бор курдлардан фойдаланган Чор Россияси Усмонли турклар ва Эронга қарши Кавказдаги урушларда курдлардан усталик фойдаланган эди. Кейинчалик, биринчи жаҳон уруши арафасида курдлардан инглизлар, замонавий даврда эса, АҚШ ва Исроил ўз манфаатлари йўлида фойдаланди.

Курдлардан ўзининг сиёсий мақсадларида нафақат ташқи давлатлар балки, минтақа давлатлари ҳам фаол фойдалангани тадқиқот ишида таҳлил этилди. Хусусан, Эрон ва Сурия Туркияга қарши босим ўтказишда Курд ишчи партиясига ёрдам бергани, Туркиянинг, ўз навбатида, азарий ва туркман гуруҳларини доим ҳимоя қилиб келишини, Эрон-Ироқ урушида Ироқ курдлари Саддам Хусайнга қарши Эрон томонидан кураш олиб боргани кўплаб факт ва далиллар асосида ўрганилди. Қолаверса, минтақа давлатлари етакчилик учун ҳам у ёки бу этник гуруҳ ва конфессияларга (масалан, Эроннинг Ямандаги шиа хусийларига, Сурияда алавийларга, Фаластинда Ҳизбаллоҳга) ҳар томонлама ёрдам бериши билан боғлиқ ҳолатлар таҳлил этилди.

2003 йилда АҚШ бошчилигидаги коалициянинг Ироққа бостириб кириши ва Ироқ Курдистонининг ташкил этилиши, 2011 йилда бошланган “Араб баҳори” натижасида Сурияда юзага келган ички конфликтлар, ИШИД

(Ироқ ва Шом Ислом Давлати террор ташкилоти) ташкил этилиши, 2014 йил ИШИД ва Сурия курдлари ўртасидаги тўқнашувда курдларнинг мардонавор жанг қилиши Сурия курдларининг маъқеи кучайишига замин яратди ва “Буюк Курдистон” давлатини қуриш ғояларининг яна жонланишига сабаб бўлди. Бу ҳолат эса, минтақа давлатларини, айниқса, курдларнинг энг катта қисми яшайдиган Туркияни жиддий ташвишга солмоқда. Минтақадаги ушбу вазият Туркия, Эрон, Ироқ ва Сурияни курд сепаратистларига қарши биргаликда ҳамкорлик қилишга ундамоқда.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Яқин Шарқда курд муаммосини ҳал этиш масалалари”** деб номланиб, унда минтақа давлатларининг курд муаммосини ҳал қилиш борасидаги ташаббуслари ва саъй-ҳаракатлари, курд муаммосининг ечими бўйича халқаро ташкилотлар ва ташқи давлатларнинг ёндашувлари ва амалий ишлари ўрганилган. Қолаверса, ушбу бобда Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатида минтақавий хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш масалаларининг муҳим жиҳатларига алоҳида тўхталиб ўтилган ва мамлакатимизнинг ушбу масалалар юзасидан олиб бораётган саъй-ҳаракатлари илмий асосланган.

Тадқиқот давомида минтақа давлатларининг курд муаммосини ҳал қилиш борасидаги ташаббуслари Ироқдаги каби Туркия, Эрон ва Сурияда етарлича ва тизимли олиб борилмагани маълум бўлди. Ироқда 2003 йил АҚШ интервенциясидан кейингина курдлар тўлиқ автоном бошқарувни ўрнатишга муяссар бўлган. Ўз навбатида Туркия ҳам курдлар муаммосини демократик йўл билан ҳал қилишга самарали киришди. Аммо курдларнинг бу борада йўл қўйган хатолари туфайли бу жараён охирига етказилмади. Шундай бўлса-да, курдларнинг парламентда вакиллари бўлган кўплаб сиёсий партиялар ташкил этилишига ҳукумат тўсқинлик қилмади. Курдлар орасида саводсизликнинг юқорилиги ёшларнинг КИП (Курд ишчилар партияси) каби ташкилотларга аъзо бўлишига сабаб бўлаётган бўлса, бошқа томондан Туркия курдларининг расмий вакиллари очикдан очик автоном бошқарувни талаб қилмоқда. Бу турк ҳукумати билан курд миллатчилари орасида кескинликни кучайтирмоқда.

